O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№ _____

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 4 июль пайшанба
Сотувда эркин нархда
№ 139 (2967)

ФИДОЙИ МЕҲНАТИНГГА РАҲМАТ, БОБОДЕҲҚОНИМ!

Оппоқ-оппоқ тонг чоғи шовуллаган ғаллазорга боқдим, бошоқларда шафақ ярқ этди. Қуёш қиздирган маҳал у томчи бўлиб деҳқон пешонасида ярқиради. У ҳам оппоқ. Нон ёпишга шайланган онам шукронасин айтиб-айтиб ун элади. Зеро, оқлик— покизалик дейдилар. Уни яратган инсон ҳам покизадир...

Шундай экан, бободеҳқоннинг фидойи меҳнатига раҳмат айтиш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Тоҳир НОРҚУЛОВ (ЎзА),
Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар.

КАСБИЛИКЛАР ТАЖРИБАСИ

Қашқадарёда ҳосилдорликни кескин ошириш мумкинлигини, бунинг учун жуда катта имкониятлар борлигини кўрсатди

Ўтган йили Китоб туманидаги Каромат Рустамова номли ширкат хўжалигининг оилавий пудратчиси Фахриддин Жалилов ҳар гектар ердан 95,6 центнердан дон етиштирган эди. Бундай ҳосил олганлар, албатта, бултур бармоқ билан санарли бўлган. Эндичи? Биргина Касби туманидаги хўжаликларда гектаридан 70-100 центнердан ғалла саранжомлаган оилавий пудратчиларнинг сонсаноғи йўқ. Ҳатто шу пайтгача энг қолоқ хўжалик ҳисобланиб келинган «Пахтакор» хўжалигида ҳосилдорлик ўртача 60 центнерни ташкил этмоқда. Хўш, бунинг боиси нимада? Касбиликлар ана шу натижага қандай қилиб эришаётирлар?

Сабабими? Жуда оддий. Қаерда янгиликка интилиш, изланиш бўлса, ўша ерда ҳосилдорлик юқори бўлмоқда.

Ҳақиқатан ҳам, туманда икки йилдан буён «ер малҳами» деган ибора пайдо бўлди. Бунинг сабаби шуки, аммофос, калий, азот аралашмасидан иборат биологик ер малҳами тайёрланиб, ўсимликка берилмоқда. Айни пайтда туманда шундай озуқани тайёрловчи корхона қурилмоқда. Яна бир янгилик шуки, аммиакли сув билан суғориш жорий этилди. Ғаллани баргидан озиқлантириш, суспензия бериш ҳам йўлга қўйилди.

Асосий янгилик шу бўлдики, тупроқ ва иқлим шароитига мос навлар танланди. «Гектар эмас, ҳосилдорлик!»

— Масала шу тарзда қўйилди. Натижа нима бўлди?

Шунга амал қилганларнинг хирмони бошқаларникидан баландроқ, салмоқлироқ чиқди, чиқаяпти. Айтиш лозимки, туманда Шароф Рашидов номли, Навоий номли ширкат хўжаликлари ҳар соҳада ибрат, намуна. Шароф Рашидов номли хўжаликка борган киши яйрайди. Бу гапда лоф йўқ. Ҳатто чорва фермасига қадам қўйган киши гулзорга киргандай бўлади. Навоий номли хўжаликнинг МТПси, у ердаги шароитни кўрган кишининг оғзи очилади. Айтмоқчимизки, ана шундай хўжаликларда ҳамма ишнинг баринг учун мен нима қилишим керак? Шуни айт...» дедим. Қолган ишларни ўзлари қилишди. Мана, натижаси. Қўлида чеки бор. Сотган маҳсулотининг ҳужжати қўлида. Шартномадан ошиқчасини қонуний қилиб, тарозидан ўтказиб олади. Шунинг учун бу йил омборчи бўлай, дейдиган одам чиқмади. Сабаби — ҳар бир пудратчи ҳар кило донга кўз-қулоқ. Қани тароссўм соф фойда оламиз.

— Сизга бир гапни айтайми? — дейди овозини пасайтириб «Пахтакор» ширкат хўжалигидан Гелдиёр Азизов. — Гектаридан 50 центнер дон олган оилавий пудратчимиз «Ҳосилдорлигим паст бўлиб қолди» деб... йиғлади. (Исмишарифини ёзманг, майлими?) Бошқаларнинг юзига қандай қарайман, дейди-я. Ўзиям айтганича бор-да. Ҳайит Шодибўлади, деган гап. Ҳосилдорлик туман бўйича 50 центнерга етади. Ғалладан бўшаган 1800 гектар ерга чигиттинг «Юлдуз» навини экдик. Олди кўкариб, ерни қоплаб қолди.

Хирмон кўтарилди, кўтарилмоқда. Энди кимнинг қандай ишлагани қайси навнинг қандай ҳосил берганлиги бундан кейин нималарга эътибор қилиш лозимлиги, аён бўлиб турибди. Ютуқлар ҳам, бой берилган имкониятлар ҳам маълум. Назаримда, Касби тумани ғаллакорлари тажрибаси ҳали вилоятда ғаллачиликда фойдаланилмаётган имкониятлар кўплигини кўрсатди. Ҳар бир оилавий пудратчи, фермер хўжалиги бошлиғи Навоий номли ширкат хўжалиги оилавий пудратчиси Турсунтош Сафарова сингари ишласа, ҳосилдорликни 100 центнерга етказиши мумкинлигини тушуниб турибди. Ахир Турсунтош Сафарова ғалла ҳосилдорлигини ошириш эвазига 2 миллион 200 минг сўм соф фойда олди-да. Бир гектар ердан 774 минг сўм даромад қилди. Энди эса ғалладан бўшаган ерга Молдовадан келтирилган маккажўхори уруғини экди. Бу эса яна фойда деган гап. Хуллас, иш билган пул топади. Ўзини ҳам ёлчитади, ўзгага ҳам нафи тегади. Энди ана шундай деҳқоннинг иши юришади.

Мана, сизга бир мисол: шу йил касбилик ғаллакорлар 5 миллиард 302 миллион сўм даромад, 1 миллиард 760 миллион сўм фойда олишни мўлжаллаб туришибди. 12 минг тонна уруғлик донни 1 миллиард 584 миллион сўмга сотишиб, шунинг ўзидан 730 миллион сўм қўшимча даромад қилишаяпти.

Нарзулла РАВШАНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Олий Мажлисда

Халқимизнинг миллий қадрияти бўлмиш оила ёруғ келажагимизни барпо этиш йўлида асосий таянчдир. Қолаверса, миллий урф-одатларимизни эъзозлаш, одамийлик, ҳалоллик, меҳр-оқибат сингари асл инсоний фазилатлар айнан оила муҳитида шаклланади. Шунингдек, оила ҳаётнинг абадийлигини, муқаддас урф-одатларимизни сақлайдиган тарбия ўчоғи ҳамдир.

ОИЛА — ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ

Олий Мажлис Оила ва аёллар муаммолари комиссияси томонидан ташкил этилган «Никоҳ, қариндошлик ва ирсий алоқалар муаммолари» мавзуидаги илмий-амалий конференцияда ана шу хусусда фикр юритилди. Анжуманни мазкур комиссия раиси Ш. Салимова олиб борди.

Таъкидланганидек, оила қуриш, она бўлиш, соғлом фарзандни дунёга келтириш, болани соғлом, интеллектуал етук инсон қилиб тарбиялаш — бу катта масъулиятдир. Анжуманда сўзга чиққан нотиқлар оила тарбиясидаги муҳим жиҳатларга алоҳида эътибор қаратишди. Бундан ташқари, улар «Ирсий касалликлар ва унинг ёш авлодга таъсири», «Оила-никоҳ муносабатларининг соғлом насл тарбиясидаги ўрни», «Оила ва никоҳ масалаларининг оммавий ахборот воситаларида ёритилиши» каби мавзуларда ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.

Депутатлар бугунги кунда жамиятимизда оиланинг ўрни, мазмунмоҳияти ва таъсирини кучайтириш учун давлатимиз томонидан кўрсатилаётган ёрдам айни муддао бўлаётганлигини таъкидлашди. Шундай экан, миллатимиз қонқонига сингиб кетган эзгу анъаналарга содиқ бўлиш, оила тинчлиги ва мустаҳкамлигини таъминлаш барчамизнинг фуқаролик бурчимиз бўлиши лозим.

Ўз мухбиримиз.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

Матбуот ва ахборот соҳасида бошқарувни такомиллаштириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида" ва "Нашриёт фаолияти тўғрисида"ги Қонунларига мувофиқ ҳамда мамлакат ижтимоий ҳаётини демократлаштириш ва эркинлаштириш шароитида республика аҳолисининг ахборотга бўлган талаб-эҳтиёжларини янада тўлиқроқ қондириш, оммавий ахборот воситалари, нашриёт ишлари ва матбаачиликни кенг кўламда ривожлантиришга кўмаклашиш, ахборот хизматларининг замонавий бозорини шакллантириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот агентлиги этиб қайта ташкил қилинсин.

2. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот агентлигининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

оммавий ахборот воситаларининг мустақил фаолиятига доир конституциявий ҳуқуқлар ва қонунчиликнинг сўзсиз бажарилиши, сўз ва матбуот эркинлиги кафолатлари таъминланиши мониторингини олиб бориш;

республика фуқароларининг ахборотга бўлган талаб-эҳтиёжларини янада тўлиқроқ қондириш, аҳолининг, аввало ўсиб келаётган ёш авлоднинг билим, маънавий ва маданий савиясини ошириш манфаатларидан келиб чиққан ҳолда оммавий ахборот воситаларини, нашриёт ишлари ва матбаачиликни кенг миқёсда ривожлантиришга кўмаклашиш;

нашриёт ва матбаачилик фаолияти, оммавий ахборот воситалари, даврий нашрларни тарқатиш, шу жумладан, мазкур фаолият турларида рўйхатга олиш ишларини бажариш соҳаларида давлат сиёсатини амалга ошириш;

нашриётлар, оммавий ахборот воситалари, телевидение, радиоэшиттириш ҳамда республика ахборот бозорининг бошқа қатнашчилари томонидан ахборот соҳасида амалдаги қонунчиликка риоя этилиши устидан мониторингни амалга ошириш;

ахборот тайёрлаш, тарқатиш ва ундан фойдаланиш соҳасида республика фуқаролари ҳамда юридик шахсларининг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя этилишини таъминлаш;

нашриёт фаолиятини лицензиялашни ташкил қилиш;

нашриёт ва матбаачилик фаолиятида, даврий нашрларни тарқатишда ягона техникавий сиёсат ўтказиш;

реклама тайёрлаш, шунингдек уни оммавий ахборот воситалари орқали тарқатиш соҳасида давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда қатнашиш;

нашриёт-матбаачилик фаолиятининг ишлаб чиқариш-техника базасини ривожлантириш ва янгилаш, стандартлаштириш ҳамда сертификациялаш соҳасидаги чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Матбуот қўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси матбуот ва ахборот агентлиги этиб;

вилоят ҳокимликлари ҳузуридаги матбуот ҳудудий бошқармалари тегишли равишда матбуот ва ахборот ҳудудий бошқармалари этиб қайта ташкил қилинсин.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузурида матбуот ва ахборот ҳудудий бошқармаси ташкил этилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот агентлигига цензура, таҳрир қилиш, тақиқлаш ҳамда оммавий ахборот воситалари фаолиятига ўзгача тарзда ғайриқонуний аралашиш қатъиян ман этилади.

5. Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот агентлигига матбуот ва ахборот соҳасидаги қонунчиликни бузувчи давлат бошқаруви органларига, жойлардаги ҳокимият органларига, хўжалик юритувчи субъектлар ва уларнинг мансабдор шахсларига ўз ваколати доирасида қонунчиликда белгиланган тартибда қарорлар (тақдимномалар) юбориш ҳуқуқи берилсин.

Белгилаб қўйилсинки, Агентликнинг ўз ваколати доирасида қабул қилган қарорлари ва тақдимномалари вазирликлар, идоралар, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари, муассасалар ва ташкилотлар, мулкчилик шаклидан қатъи назар хўжалик юритувчи субъектлар ва уларнинг бирлашмалари, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан ижро этиш учун мажбурий ҳисобланади.

Оммавий ахборот воситалари ҳамда нашриётлар томонидан матбуот ва ахборот соҳасидаги қонунчилик мунтазам равишда бажарилмаган ҳолларда Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот агентлиги уларга берилган лицензия ҳамда рўйхатга олиш тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилишини суд орқали тўхтатиб қўйишга ҳақлидир.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тегишли идоралар билан биргаликда бир ой муддат ичида қонунчиликка ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда мазкур Фармонни ижро этиш юзасидан қарор қабул қилсин.

8. Ушбу Фармон матбуотда эълон қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2002 йил 3 июль.



Она юрт

Баланд-баланд тоғларда
Бекорларга қор бўлмас.
Чирқираган полапон
Бежиз бир кун сор бўлмас,
Бўталари изидан
Келмаса гар нор бўлмас,
Юртинг — сенинг юзингдир,
Юртнинг ўзи бор бўлмас.

Оламга боқ — қанча боғ,
Қанча гулу чамандир.
Бир томони Чин-Мочин,
Бир томони Ямандир.
Бир жисм — жону тандир,
Ватан битта Ватандир,
Қаён борсанг онангдай
Йўлларингга зор бўлмас.

Ўзингники шу гулшан
Ё куйинсанг ё суйсанг.
Дил кўзига жойлаштир
Ҳилолларин «ё»син сан,
Атласлибос бир ёрнинг
Зулфларига осилсанг,
Бу дунёда бўйнингга
Бундан гўзал дор бўлмас.

Оқ ҳавога бурканмиш
Ариқларнинг бўйлари.
Соғинч бўлиб таралмиш
Сингилларнинг ўйлари.
Бунда — кўнглинг тўйлари,
Бунда — кўнглинг куйлари,
Терагингдай ёр бўлмас,
Толингдай дилдор бўлмас.

Ном қолдирсанг, изингдан
Шавкат ҳам шан қолдирсанг.
Тупроғингга орингни
Сен тан-батан қолдирсанг,
Ҳар бир ўғил-қизингга
Эрку Ватан қолдирсанг,
Мардлар минган отларинг
Номардларга хор бўлмас.

Сирожиддин САЙЙИД.

Ҳамкорлик робиталари

АҚШ Эксимбанки ва Ўзбекистон бизнеси

Ўзбекистон иқтисодиётига йўналтирилаётган хорижий инвестициялар қамрови муттасил ошиб бораётир. Четдан келаётган сармоянинг самарали «ишлаши» бениҳоя муҳимки, бунда истеъмолчилар ҳам, капитал инвесторлари ҳам кўпроқ наф кўрадилар. Масаланинг долзарблигига заррача шубҳа йўқ.

Аввал хабар қилганимиздек, АҚШ Экспорт-импорт банки катта вице-президенти Жефри Миллер бошчилигидаги мазкур банк делегацияси бир неча кун мобайнида мамлакатимизда бўлди. Делегация ҳукумат даражасида қабул қилинди. Бир қанча йирик банк, фирмаларга ташриф буюрди, республика Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасида ўтказилган бизнес-форумда иштирок этди.

Эксимбанк Ўзбекистоннинг кўплаб йирик лойиҳаларида, шу жумладан «Кейс-Нью Холланд» (CNH) компанияси иштирок этган ишларда молиявий кафолат вазифасини бажариши маълум. (Ўрни келганда шуни айтамизки, CNH дунёда қишлоқ хўжалик техникаси ишлаб чиқаришда пешқадам бўлиб, қурилиш машиналари ва ускуналари тайёрлайдиган етакчи компаниялар учлигига киради). Шу боис ҳам делегация аъзолари компания фаолиятига алоҳида эътибор қаратдилар. Хусусан, Ўзбекистон — Америка «ЎзКейсмаш» ва «ЎзКейсервис» қўшма корхоналари фаолияти билан яқиндан танишдилар. Тошкент вилоятининг Қуйи Чирчиқ туманида «Ўзқишлоқхўжаликмашхолдинг» ва Американинг «Кейс-Нью Холланд» компаниялари томонидан ташкил этилган модель хўжалигига ташриф буюрдилар. Хўжалик ташкилотига ярим миллион доллар миқдорида сармоя сарфланди.

Ўзбекистонлик ҳамкорлар учун америкалик молиячиларга инвестициялар самара бериб ишлаётганини кўрсатиш жуда муҳим эди. Негаки, уларда туғилган фикр Эксимбанкнинг келгусида рўёбга чиқарадиган лойиҳаларини режалаштиришда ҳам акс этиши муқаррар. Олдиндан айтиб қўя қолайлик: таассуротлар жуда яхши бўлди. Эксимбанк вакиллари республика аграр мажмуини қишлоқ хўжалиги техникаси билан таъминлашда, сервис хизматини муҳоний андозаларда йўлга қўйишда CNHнинг алоҳида ўрин тутишини таъкидлашди. Ўзаро манфаатли ҳамкорлик янги шаклларда

(Давоми 2-бетда).

Тинчлик корпуси кўнгиллиларининг кўмаги билан 1996 йилда Бухорода инглиз тили клуби очилган эди. Эндиликда мазкур клубга турли ёшдаги

АКСЕЛС дастури бўйича

200 нафардан зиёд кишилар қатнашаётир. Кўнгиллилар томонидан бу ерда турли семинар ва кечалар ташкил этиляпти. Клуб аъзоларининг аксарияти ўзларини АКСЕЛС дастури бўйича синаб кўрмоқдалар. Клубда соғлиқни сақлаш муаммолари билан шуғулланувчи гуруҳ ҳам ташкил этилган.

АҚШ Эксимбанки ва Ўзбекистон бизнеси

(Давоми. Боши 1-бетда).

мустаҳкамланиши ҳам муҳимдир. Бунга қўшма корхоналарнинг ижобий натижалари, ички эҳтиёжларни тўлароқ қондириш ва ташқи бозорнинг аста-секин ўзлаштирилаётганлиги далил бўла олади. Шу билан бирга бугунги кунда жорий этилаётган энг замонавий қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш технологияси CASE техникасининг афзаллигини яққол намойиш этмоқда.

Бунга модель хўжалиги ҳаётий мисол бўла олади. Мутахассисларнинг айтишича, бу ерда далалар бирмунча яхлитлаштирилган. Мавжуд 215 гектар майдоннинг деярли юз гектари лазер усулида текисланган. Бу технология қуйидагича: топографик тасвир олингач, барча нотекисликлар махсус асбобда ҳисобга олинади. Шундан сўнг дала пайкали ишлаб чиқилади, уни компьютерга солишади. Сўнгра текисловчи техникага тупроқ юзасини кафтдек ҳолга келтириш топшириғи берилади. Бу юмуш суғориладиган деҳқончилигимиз учун қанчалик муҳим эканлиги барчага аён. Далалар узунлиги 700-1000 метргача етди. Илгари шундай далани суғориш учун камида олти кун талаб қилинарди, энди икки ярим кун кифоя. Устига устак янги технологияда экинзорнинг намланиши бир текис кечади, сув сарфи тежалади. Илк бор 50-60 сантиметр чуқурликда ер юмшатилади. Ўтган йили экилган кузги буғдой ўртача 55 центнердан ҳосил берди. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобига кўра келгуси йилдан бошлаб ҳосилдорлик бирдан кўтарила бошлайди, чунки лазер усулида текисланганда кесилган тупроқнинг унумдор қатлами юзага кўтарилади. Буғдой ўрилгандан кейин дала бошқа экинга тайёрланади. Ҳозирнинг ўзида 20 гектар ерга маккажўхори экилди, бошқа турдаги экинлар уруғи қадалиш арафасида. Хуллас, модель хўжалиги қишлоқ хўжалиги экинлари ўстириш, суғориш ва бошқа тизимларни синаш бўйича ўзимиз ва хорижий компаниялар яратган пешқадам технологияларни ишлаб чиқиш учун бақувват база бўлмоқда.

Шу муносабат билан «Ўзқишлоқхўжаликмашхолдинг» компанияси бошқаруви раиси Р. Матчонов бу борада CNH компаниясининг олиб бораётган иши бир неча йилдан буён амалга ошираётган комплекс лойиҳалари мазмунига ҳамоҳанглигини таъкидлади. Бу йўналишдаги фаолият муттасил такомиллаштириб борилади ва бундан буён энг янги технологиялардан фойдаланилади. Модель хўжалигида ҳосилдорлик бир йилда 30 фоиз ўсди.

Энг муҳими, амалий натижалар билан тасдиқланаётган жамики яхши усуллар Ўзбекистон минтақаларига жорий этилади, мақсад қишлоқ хўжалиги дадил қадамлар билан олға интилсин. Бу ерда замонавий технологиялар ва техникани ўргатадиган ўқув маркази очилиши ҳам тасодифий эмас.

Делегация аъзолари мутахассислар билан биргаликда модель хўжалиги далаларини кўришди, ғўза, маккажўхори ривожи билан танишишди, одамлар билан сухбат қуришди.

Айнан шу ерда улар Америка инвестициялари «Кейс» техникаси, хусусан, MX-220 трактори тимсолида қандай «ишлаётганига» гувоҳ бўлдилар. Негаки, Ўзбекистон учун деярли икки минг дона ҳайдов трактори худди Эксимбанк орқали харид қилинади. Жаноб Ж. Миллер оператор билан биргаликда тракторнинг ишлашини текшириб кўрди. Кўнгли жойига тушди. Унинг фикрича, Кейс техникаси Ўзбекистон заминида ўзининг яхши жиҳатларини кўрсатяпти. Бу йўналишда ҳамкорликни давом эттириш учун барча асослар бор. Хусусан, меҳмонга айтишларича, CNH компаниясида ишлаб чиқариши ўзлаштирилган янги, кучли ва замонавий MX-240 трактори Ўзбекистонда синовдан ўтказиляпти. Ўзбекистон деҳқонлари бунга ҳам харидор бўлишлари мумкин. Унда Эксимбанк ўз томонидан зарурий кўмак беришга шай.

Албатта, Америка молиячиларининг Ўзбекистонга бундай муносабати кишини қувонтиради. Лекин у бизга кўп вазифа юклайди. Энг муҳими, инвестициялар оқилона, самарали ишлатилиши, эркин бозор иқтисодиёти ва, пировардида, одамлар фаровонлигига кўпроқ наф келтириши керак.

Озод САИДОВ.

4 июль - АҚШ мустақиллиги куни

КОЛУМБ КАШФ ЭТГАН ОМАДЛИ ДИЁР



...Христофор Колумб Американи кашф этиб, машҳур бўлиб кетган кезлари қовоқхонага кирибди. Албатта, унинг қиёфаси ҳаммага ҳам таниш эмас, одамлар уни орқаворотдан билар, лекин кўрганда танимасди. Бир пайт қовоқхонада ўтирган мижозлардан бири гап бошлаб қолибди. Эмишки, Колумб қилган ишни ҳамма ҳам қилиши мумкин, у кемага ўтириб, сузаверган-сузаверган, охири янги қитъага бориб қолган, шу ҳам ишми! Шунда Колумб у одамнинг ёнига келибдида, ўзини танитмасдан бир тухум олиб унга савол ташлабди: "сен шу тухумни тикка турғаза оласанми?" Ҳалиги одам ҳарчанд уринибди, лекин бунинг уддасидан чиқа олмабди, тухум думалаб кетаверибди. Шунда Колумб тухумнинг бир томонини озгина текислаб столга қўйган экан, у тикка турибди. Ҳалиги киши "э, буни ҳамма ҳам қила олади", дея эътироз билдирган экан, Колумб "сен қила олмадинг-ку", деб жавоб қайтарибди...

4 июль куни куни Колумб кашф этган диёр — Америка Қўшма Штатлари ўзининг мустақиллик байрамини нишонлайди. Юқорида бежиз тарихий воқеани зикр этмадик. Одатда кашфиёт қилиб бўлинганидан кейин кўпинча оддий кўриниб қолади (айримлар буни ҳамма қилиши мумкин, деган фикрга боради). Давлатларни одамларга қиёслаш мумкин бўлса, АҚШ ҳам ана шундай мамлакатлар сирасидандир.

Ҳар бир давлат ривожланиши, юксалиши, гуллаб-яшнаши мумкин.

Буни энг яхши тарзда АҚШ амалга оширяпти.

Албатта, АҚШ бугунги фаровон ҳаётга осонлик билан эришгани йўқ. Ўтган давр ичида суронли йиллар, катта-катта инқирозлар, фуқаро урушлари, қўйингки, бир давлат бошига тушиши мумкин бўлган барча савдолар унинг тақдирида ҳам рўй берган. Лекин озодлик, ҳурриятни ҳамма нарсадан устун қўювчи халқ сабр-қаноат билан барча қийинчиликларни енгиб ўтди.

Икки томонлама алоқаларга тўхталадиган бўлсак, бугунги кунда АҚШнинг Ўзбекистон билан муносабатлари нечоғли катта суръат билан ривожланаётгани ҳеч кимга сир эмас. Бунга, шубҳасиз, юртимизнинг мустақилликка эришгани бош асосдир.

Ўтган йилнинг кузида мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов АҚШ Конгресси аъзоларининг қарийб ўн фоизи Ўзбекистонга келиб кетганини таъкидлаган эди. Ҳозир мамлакатимизга келмаган конгрессмен қолмади ҳисоб. Шунингдек, давлат котиби Колин Пауэлл, мудофаа вазири Доналд Рамсфелд ва бошқа етакчи сиёсий арбоблар Ўзбекистонда меҳмон бўлди.

Жорий йилнинг март ойида эса Президент Ислом Каримов расмий ташриф билан АҚШга борди. Президент Жорж Буш, давлат котиби Колин Пауэлл, мудофаа вазири Доналд Рамсфелд, қишлоқ хўжалиги вазири Энн Венеман хоним, молия вазири Пол О'Нил ва бошқа расмий кишилар, Конгрессда Вакиллар палатаси ва Сенат аъзолари, Жаҳон банкида президент Жеймс Вулфенсон, Нью-Йоркда шаҳар ҳокими Майкл Блумберг, Америка Олий ислом кенгаши раҳбари шайх Муҳаммад Қаббоний билан музокаралар ўтказди. АҚШнинг етакчи ишбилармонлари билан учрашди. Ушбу ташрифнинг энг муҳим натижасини — икки мамлакат ўртасида стратегик шериклик ва ҳамкорлик асослари тўғрисида декларация имзоланганини ҳам алоҳида таъкидламоқ жоиз.

Ислом Каримовнинг ташрифидан кейин делегациялар борди-келдиси янада кучайди. Узоққа бормайлик, ўтган ҳафта АҚШ Конгресси Вакиллар палатаси Куролли кучлар бўйича қўмитасининг Тараққиёт ва ҳарбий тадқиқотлар бўйича ички қўмитаси раиси Дункан Хантер раҳбарлигидаги делегацияси Ўзбекистонда бўлди.

АҚШ мустақиллиги байрам қилинаётган ушбу кунларда Ўзбекистон ҳам ўз истиқлолининг ўн бир йиллигига қизғин ҳозирлик кўрмоқда. Мамлакатларимизнинг ўзаро яқинлиги, халқаро миқёсдаги кўпгина масалаларга муносабати муштараклиги икки томонлама ҳамкорлик бундан кейин янада ривожланиши учун қулай заминдир. Стратегик ҳамкорлар ҳисобланган Ўзбекистон ва АҚШ келгусида муносабатларни янада юқори поғонага кўтариши учун барча имкониятларни ишга солиши шубҳасиздир.

Анвар БОБОЕВ,
ЎзА шарҳловчиси.

ИЖТИМОИЙ СОҲАДАГИ ҲАМКОРЛИК

Тошкентдаги Халқаро бизнес марказида «Ижтимоий ҳамкорлик — уни амалга ошириш воситалари, тажриба ва истиқболлари» мавзуидаги амалий анжуман бўлиб ўтди. Унда нодавлат нотижорат ташкилотлар, давлат муассасалари, бизнес тузилмалар ва халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Анжуманни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси Акмал Саидов кириш сўзи билан очди.

Таъкидландики, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси йиғилишларида ижтимоий ҳамкорлик, жамоат назорати ва фуқаролик жамияти институтлари ишини фаоллаштириш масалалари кўп бор муҳокама этилган. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати нодавлат жамоат ташкилотлари, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратмоқда, улар фаоллигини оширишга кўмаклашмоқда. Парламентнинг сўнгги сессияси давомида ижтимоий ҳамкорлик масалаларини қонунчилик орқали тартибга солиш таклиф этилди.

Шу мақсадда 2002 йил апрелидан июнигача Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси, Халқаро нотижорат ҳуқуқ маркази, Ўзбекистон Очиқ жамият институти Кўмак жамғармаси, Халқаро Тараққиёт ишлари бўйича департамент (Британия элчихонаси), Каунтерпарт Консорциум, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ, Нодавлат нотижорат ташкилотлари соҳасида ўқитиш ва тадқиқотлар бўйича халқаро марказ — ИНТРАК қўшма лойиҳа доирасида мамлакатимизнинг 12 та вилоятида ва Қорақалпоғистон Республикасида ижтимоий ҳамкорлик масалаларига бағишланган қатор давра суҳбатлари ўтказди.

Уларда ижтимоий ҳамкорлик моҳияти очиб берилди, давлат, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бизнес ўртасидаги муносабатларга оид қонунчилик масалалари муҳокама этилди, ижтимоий ҳамкорлик борасидаги мавжуд тажриба умумлаштирилди ва унинг ҳозирги аҳволи таҳлил этилди. Шунингдек, қатнашчиларнинг ижтимоий ҳамкорликка бўлган эҳтиёжи баҳоланди, Ўзбекистоннинг турли вилоятларидан келиб тушган тавсиялар жамланди ва таҳлил этилди.

Мазкур якуний амалий анжуманда иштирокчилар эътибори вилоятларда ўтказилган давра суҳбатларида ишлаб чиқилган тавсиялар ва натижалар таҳлилига қаратилди.

Ўзбекистонда мавжуд тажрибадан келиб чиқиб ва халқаро ютуқларга суянган ҳолда тадбир қатнашчилари давлат, бизнес ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасидаги ўзаро алоқалар билан боғлиқ муаммоларни муҳокама этиш имкониятига эга бўлди. Шунингдек, улар ижтимоий ҳамкорлик тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқди.

Н.УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

КОНСТИТУЦИЯНИ ўрганиш — муқаддас бурч

Бу йил Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганига ўн йил тўлади. Шу муносабат билан Тошкент давлат юридик институти профессор-ўқитувчилари Бош Қомусимизнинг аҳамиятини аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида кенг тушунтириш ишларини олиб бораётир. Жумладан, институтда шу мақсадда тайёрланган илмий-оммабоп рисолаларнинг тақдимоти ўтказилди.

Анжуманда Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги Фармойишига мувофиқ Бош Қонунимизнинг жамиятдаги ўрни ва аҳамиятини, маъно-мазмуни ва моҳиятини ўрганиш, ёш авлоднинг ҳуқуқий онги, тафаккури ва маданиятини тарбиялаш ҳамда юксалтириш, шунингдек, Конституцияни тарғиб ва ташвиқ қилиш борасида жойларда амалга оширилаётган ишларни янада такомиллаштириш юзасидан фикр-мулоҳаза билдирилди.

"Давлат суверенитети", "Халқ ҳокимиятчилиги", "Конституция ва қонунларнинг устунлиги", "Ташқи сиёсат", "Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар", "Жамият ва шахс", "Оила", "Оммавий ахборот воситалари" каби рисолаларда Бош Қомусимизнинг бўлим ва боблари атрофлича шарҳланганига эътибор қаратилди.

Б.НОРБОЕВ,
ЎзА мухбири.

Боботоғ ёнбағирларидан пастга назар ташласангиз кўз олдингизда ўзининг кўркам бўй-басти билан Сурхон воҳаси намоён бўлади. Бу яшилликнинг доимийлигини таъминлашда вилоятнинг Аму-Занг, Шеробод, Боботоғ каби кўплаб насос станцияларининг ҳиссаси беқиёс. Илгари бу ердаги барча насос қурилмалари Тошкентнинг «Ратор», «Сувмаш» заводлари ҳамда ЭЛЕМЕР корхонасида таъмирланар эди. Йил бошида вилоят «Сувэлектротаъмир» масъулияти чекланган жамиятининг иш бошлаши деҳқонлар узоғини яқин, оғирини енгил қилди. Айни пайтда бу ерда катта-кичик насос станцияларининг электродвигателлари таъмирдан чиқарилмоқда.

СУРАТДА: корхона ишчилари Хуршид Ойтемиров, Ихтиёр Даминов ва Мурод Бойматовлар иш устида.

И. ХЎЖАЕВ (ЎзА) олган сурат.

ЯРМАРКАГА МАРҲАМАТ!

Пойтахтимизнинг Сирғали туманида хусусий бизнес вакиллари учун қурилиш материаллари ва қурилишга оид халқ истеъмол моллари ярмаркаси очилди. Мазкур ярмаркада 1 миллиард сўмлик 500 турга яқин маҳсулот харидорлар эътиборига ҳавола этилган.

Ярмаркада республикамиздаги 60 та корхона вакиллари ўз маҳсулотларини намойиш этди. Ушбу корхоналардан 13 таси "Ўзқурилишматериаллари" акционерлик компаниясига қарашли. Шунингдек, бу ерда биржа экспорт-импорт шартномалари бўйича ҳам божхона операциялари амалга оширилмоқда. Унинг очилиш маросимида манфаатдор ташкилотлар, тадбиркорлар ҳам иштирок этди. Ярмарка беш кун давом этади.

М.БОЛЛИЕВА,
ЎзА мухбири.

ДЎСТЛИГИМИЗ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Тошкентда Америка Қўшма Штатларининг миллий байрами - мустақиллик эълон қилинганининг 226 йиллиги муносабати билан байрам кечаси бўлиб ўтди. Ушбу тадбир Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгаши, "Ўзбекистон-АҚШ" дўстлик жамияти ва АҚШнинг республикамиздаги элчихонаси томонидан ташкил этилди.

Тадбирда сўзга чиққан Дўстлик жамиятлари кенгаши раиси, академик Н.Иброҳимов, "Ўзбекистон-АҚШ" дўстлик жамияти раиси, академик С.Ғуломов, АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Жон Ҳёрбст ва бошқалар АҚШ давлатимиз мустақиллигини биринчилардан бўлиб тан олганини, Ўзбекистон билан тенг ҳуқуқли ва ўзаро фойдали асосда дипломатик, иқтисодий ҳамда бошқа муносабатлар ўрнатганини таъкидлади. Давлатларимиз ўртасида турли соҳалардаги ҳамкорлик ришталари аста-секин ривожланиб, мустаҳкамланиб бормоқда. Президентимиз Ислом Каримовнинг яқинда АҚШга қилган расмий ташрифи эса Ўзбекистон ва Америка халқлари манфаатлари йўлида ўзаро алоқаларни янада ривожлантириш борасида янги ва улкан имкониятларни яратди.

Байрам тадбирида ўзбек миллий санъати усталари иштирокида катта концерт дастури ҳам намойиш этилди.

Э.ХОЛИҚОВ,
ЎзА мухбири.

Соғлом турмуш тарзи

ИШОНЧЛИ ҚАЛҚОН

Наркомания — бу заҳарли моддаларга ўрганиш оқибатида уларсиз туролмайдиган бўлиб қолишдир. Бошқача айтганда, наркотик моддаларга ўрганиб қолиш оқибатида сезгилар заифлашади ёки организмнинг бу моддаларга чидамлилиги ошади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маълумотларига қараганда, жаҳонда ноқонуний равишда наркотик моддалар савдо-сотиғидан тушаётган йиллик даромад 400 миллиард АҚШ долларини ташкил қилади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг сўнгги маълумотларига кўра эса гиёҳвандлик касаллиги дунёнинг деярли барча мамлакатларида учрамоқда. Бугунги кунда ер куррасида бу хасталикка мубтало бўлганлар сони 200 миллиондан ошиб кетди. Шуларнинг 142 миллионга яқини марихуана, 30,5 миллиони синтетик наркотиклар, 13,4 миллиони кокаин ва 8 миллиондан кўпроқ одамлар героин истеъмол қилишади. Бу кўрсаткичлар йилдан-йилга ортиб бормоқда. Биргина Россия давлатида 3 миллионга яқин наркоманлар аниқланган.

Энг ачинарлиси — ҳозирги пайтда кўпгина ёшларимиз билиб-билмай гиёҳвандлик кўчасига кириб бормоқдалар ва булар орасида наркотикларни томир орқали олувчилар улуши кўпаймоқда. Статистик маълумотларнинг таҳлили шундайки, республикамизда рўйхатда турувчи гиёҳвандларнинг 79 фоизини 18-40 ёшдагилар ташкил қилади. Шунингдек, мактаб ёшидаги ўсмирлар ўртасида ҳам наркоманлар сони ортмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг ахборотига кўра, гиёҳвандларнинг 1/5 қисмини ёки 20 фоизини мактаб ёшидаги ёшлар ташкил қилади. Бунга сабаб оилада, маҳалларда, мактабларда маънавий тарбиянинг пастлигидир.

Келтирилган расмий маълумотлар наркоманлар тўғрисидаги ҳаққоний ҳолатни кўрсатмайди. Шу сабабли Соғлиқни сақлаш вазирлиги ТАСИС халқаро ташкилоти лойиҳаси билан ҳамкорликда 1999-2000 йиллар давомида Фарғона ва Навоий вилоятларида бу муаммо янада чуқурроқ ўрганилди. Олинган натижалар расмий маълумотлардан анчагина фарқ қилади. Демак, наркоманияга қарши чора-тадбирларни ишлаб чиқишда, аввалламбор, ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос жиҳатларини, қолаверса, касалланиш ҳолатини аниқ ўрганиш лозим.

Бундай мудҳиш касалликлардан сақланишнинг бирдан-бир йўли зарарли одатларга ўрганмаслик ва соғлом турмуш кечиришдан иборатдир.

Ҳозирда аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бунинг исботи сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ Саломатлик институти ташкил қилинди. Институт фаолиятининг асосий мазмуни аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, баркамол авлодни тарбиялаш, саломатлик учун хавфли бўлган омилларни аниқлаш ва бу масалалар юзасидан илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш ҳисобланади. Институтда «Соғлом турмуш тарзи» бўлими бўлиб, унинг таркибида «Зарарли одатларнинг олдини олиш» бўлинмаси ташкил қилинган. Бу борада маълум ишлар амалга оширилмоқда. Институтнинг илмий бўлими бу йилдан бошлаб гиёҳвандликнинг олдини олиш борасида илмий-тадқиқот ишларини ҳам олиб бормоқда.

О. МУРТАЗАЕВ,
республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги Саломатлик институти директори, профессор.

Солиқ — давлат қудрати

ДАРМОНИ ЙЎҚ ДОРИЛАР

Хоразм вилояти давлат солиқ бошқармаси қисқа муддатли текширишлар ўтказиш бўлими ходимларининг Хазорасп тумани бўйлаб ўтказган рейдлари давомида Вазирлар Маҳкамасининг «Дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари сотишни тартибга солиш тўғрисида»ги қарори қандай бажарилаётганлиги алоҳида кўздан кечирилди. Рейдларда туман давлат солиқ инспекцияси ходимлари ҳам фаол иштирок этиб дори-дармонлар савдосидаги кўпгина қонунбузарлик ҳолатларини бартараф этдилар.

Йигирма кун давомида бозорлар ва кўча-кўйларда ноқонуний йўллар билан дори-дармонлар сотиб юрган 9 нафар фуқаро қўлга тушди. Улардан 632 минг 635 сўмлик турли хил дорилар олиб кўйилди.

Савдо қоидаларини қўпол равишда бузаётган сохта тижоратчиларнинг бири Хазорасп тумани Хива кўчаси 20-уйда истиқомат қилувчи фуқаро Баҳодир Боғбеков бўлиб чиқди. У ҳужжатсиз 14 турдаги қарийб 100 минг сўмлик дори-дармонларни хуфёна йўллар билан сотиб юрган экан. Ушбу дори-дармонлар далилий ашё сифатида олинди, суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

Хазорасп тумани «Ўзбекистон» ширкат хўжалигининг бўлимида истиқомат қилувчи фуқаро Одамбой Собиров ҳам дорифурушлар ўртасида отнинг қашқасидек маълум экан. Қўшни республикалардан арзон-гаровга олиб келган истеъмолга яроқли эканлигини тасдиқловчи ҳужжатлари бўлмаган дори-дармонларни устама нархларда пуллаб юрган пайтида унинг фаолиятига чек қўйилди. 85 минг сўмликдан кўпроқ турли хил дорилар далилий ашё сифатида олинди.

Ўн бир ҳолатда 267,6 минг сўмлик эгасиз дори-дармонлар қўлга туширилди. Ҳозир ҳуқуқбузарлар шахсини аниқлаш ва қонуний чора кўриш мақсадида қидирув ишлари олиб борилмоқда.

Солиқ хизмати ходимлари ўтказаётган тезкор тадбирлар жойларда қонун устуворлигини таъминлашга хизмат қилаяпти.

«СЕҲРЛИ» ЕРТЎЛА

Кейинги пайтларда Жомбой шаҳар «Тошкент» маҳалласида истиқомат қилувчи Саодат ая Қурбонованинг ертўласига кириб чиқувчиларнинг кети узилмай қолди. Куёв бўлмиш Одил Абдумуталов қайнонанинг қўйнини пуч ёнғоққа тўлдириб ертўлада қўлбола ароқ цехини ишга тушириб юборган эди.

Туман прокуратураси ҳузуридаги солиққа оид жиноятларга қарши курашиш бўлими ходимлари тезкор маълумот асосида текширув ўтказишган куни Одил қўшни қишлоқлик Мардон Ҳамидовга бир хил рақамдаги акциз маркалари билан маркаланган 300 шиша қўлбола ароқни сотиб, пулини қуртдек санаб олаётган эди. Тезкор гуруҳ аъзолари ертўлани кўздан кечириб яна сотишга шай қилиб қўйилган 14 шиша қўлбола ароқ, спиртли ичимликлар тайёрлашда қўлланиладиган 2 та мослама, 320 та ёрлиқ, бир талай қопқоқлар, спирт даражасини ўлчовчи ускуна, катта ҳажмдаги полиэтилен идишлар ва бошқа жиҳозларни рўйхатга олдилар.

Пайариқ туман прокуратураси ҳузуридаги солиққа оид жиноятларга қарши курашиш бўлими ходимлари ҳам Одилга ўхшаш яна бир ароқфурушнинг сирини фош этдилар. У Челак шаҳрида яшовчи Билор Алиева эди. Билор ғамлаб қўйган ароқ-виноларини майдалаб сотаётган пайтида қўлга тушди. Ўша куни 25 шиша «Сенатор» арағини ҳамшаҳари Инобат Зоировага 18 минг 750 сўмга сотаётган эди.

Билорнинг битта уйи ҳужжатсиз ичимликлар омборини эслатарди. Бу ерда 440 шиша «Сўғдиёна» ва «Сенатор» ароқлари, 2060 шиша бир хил акциз маркали «Портвейн-53» виноси тахлоғлиқ турарди. Тезкор ходимлар «халақит» беришмаганида бу ичимликлар хонадон соҳибига беҳисоб даромад келтирган бўларди.

Самарқанд вилояти прокуратураси ҳузуридаги солиққа оид жиноятларга қарши курашиш бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари кучи билан кейинги беш ой давомида яширинча фаолият кўрсатаётган 51 та цех топилди. Текширув якунлари бўйича 7 та жиноий иш қўзғатилди, 43 та ҳолат маъмурий тартибда кўриб чиқилди ва ҳуқуқбузарлардан 3 миллион 554 минг 900 сўмлик моддий бойликлар далилий ашё сифатида олинди.

Тизим ходимлари бошқа йўналишлар бўйлаб ҳам қидирув ишларини олиб бормоқдалар. Шундай тадбирларнинг бирида Пахтачи туманидаги «Зиёвуддин толаси» ҳиссадорлик жамиятининг солиққа оид фаолияти тафтиш қилинди. Тафтиш давомида корхона бош ҳисобчиси А. Қувонов ўз мансабини суиистеъмол қилиб 186,6 миллион сўм фойда солиғини қасддан ҳисобламаганлиги маълум бўлди. Бундан ташқари 19,7 миллион сўмлик товар-моддий бойликларга белгиланган тартибда ҳисоб фактуралари ёзилмай истеъмолчиларга жўнатиб юборилганлиги ҳам маълум бўлди. Ушбу ҳолатлар бўйича жиноят иши қўзғатилиб, тўпланган материаллар дастлабки тергов ҳаракатларини олиб бориш учун вилоят прокуратурасига юборилди. Ҳозир тергов ҳаракатлари олиб борилаяпти.

Жасур НОСИРОВ,
Давлат солиқ қўмитаси Матбуот хизмати бош мутахассиси.



Ер юзининг сайқали бўлган Самарқанд — она шаҳрим тупроғига қадам қўяр эканман, юксак эврилишлар юз очаётган, бетимсол бунёдкорликлар рўй бераётган, миллий ўзликни англаш кучаяётган ҳур замона келганига қувондим. Истиқлол нашъу намосидан масрурлик, осойиш ҳаётдан мамнунлик туйғуси билан яшаётган кишилар, ғайрати жўш урган меҳнаткашлар қалбида, шуурида ажиб бир ҳол.

Дарвоқе, кейинги йилларда вилоят ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳаётида мислсиз ўзгаришлар содир бўлди. Бозор иқтисодиёти илмини барча яхши тушуниб қолди. Кишилар онгида ўзгаришлар юз берди. Қалбларида туғилиб-ўсган ерига меҳр кучайди. Ана шу муҳаббат туфайли қишлоқлар, маҳаллалар, даҳалар, қўрғонлар, Самарқанд жаннатмонанд маконга айланмоқда.

Самарқанд аҳлининг қалбида Ватан туйғусининг жўш уришига ота-боболаримиз — Соҳибқирон Амир Темур, ал-Бухорий, Абу Мансур Мотурудий, Хожа Аҳрор Валий, Маҳдуми Аъзам, Ғавсул Аъзам каби ўнлаб буюк салафларимизга бўлган садоқат, меҳр-муҳаббат сабаб бўлса, ажабмас. Не бахтки, айни замонда самарқандликларни ана шу улуғларнинг барҳаёт руҳлари қўллаб турибди.

ВАТАНДАН АЗИЗРОҚ жой йўқ дунёда

«Халқ сўзи» йўлланмаси билан

Самарқандни кезар эканман, муқаддас масканлар, муборак қадамжолар бугун чиндан-да обод этилаётганлигига гувоҳ бўлдим. Соҳибқирон Амир Темур ҳазратлари ётган муқаддас масканни зиёрат айлаб, унинг улуғвор ҳайкали қошида бош эгдим. Алишер Навоий даҳосига таъзим бажо этдим. Ҳазрати Хожа Аҳрор Валий қабрида Қуръон тиловат қилдим. Кўҳна Улуғбек, Тиллакори, Шердор, Бибихоним, мадрасалар, Шоҳизинда, Амир Темур мақбаралари жилоланиб шаҳар ҳуснига ҳусн қўшмоқда. Шайх Абу Мансур Мотурудий зиёратгоҳи одамларнинг қадами узилмайдиган муқаддас манзилгоҳга айланди. Бугун бу кўҳна ва навқирон заминда жойлашган ва иккинчи Каъба номини олган Хартанг қишлоғидаги Хожа Исмоил ал-Бухорий манзилгоҳи етти иқлимдан келаётган одамлар учун зиёратгоҳ бўлиб қолган. Бундай муқаддас масканлар Самарқанд тупроғини яна азиз ва табаррук айлаган.

Халқ бахшиси, достонсароси Фозил Йўлдош ўғлининг 130 йиллигининг кенг нишонланиши, улуғ аллома, академик Воҳид Абдулло таваллудининг 90 йиллиги, профессор Сайдулла Мирзаевнинг 70 йиллиги катта тантана билан ўтказилганлиги бу ер фарзандларига бўлган эҳтиром рамзидир. Ургутда Нақшбандия сулукатининг намояндаси Хожа Валижон ва аллома Қутбиддин Эшон хотираларига бағишланган нуфузли илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Самарқанд бугун боболаримиз орзу қилган обод ва гўзал маъвога айланмоқда. Шаҳар ва қишлоқларни ободонлаштириш бўйича кўрик-танлов эълон қилингани эса бу ҳаракатларни янада жадаллаштириб юборди. Вилоятнинг қаерига борманг, одамлар ўз уйини, остонасини тартибга келтираётганлигига, озод ва кўркам маҳаллалар, чойхоналар, маданий-маърифий иншоотлар бунёд этилаётганлигига гувоҳ бўласиз. Қисқа фурсатда янги-янги маҳаллалар марказлари, қутубхоналар барпо этилдики, бугун булар одамларнинг ҳордиқ чиқарадиган, маънавий озиқ оладиган гўшалари бўлиб қолди. Буларнинг барчаси, авваламбор, ички имкониятлар ҳисобига, ҳомийлар кўмагида амалга оширилди.

Шаҳар ҳуснини бузиб турган, кўп қаватли уйлар олдида қурилган кўримсиз бинолар, панжара-тўсиқлар олиб ташланибди. Бекатлар ягона меъморий лойиҳа асосида қайтадан тикланибди. Бинолар турфа рангда жилоланиб, шаҳар ҳуснига ҳусн қўшмоқда. Мовий гумбазли бозорлар, узун ва кенг кўчалар, маҳобатли бой савдо шохобчалари кўзни қувонтиради. Жаҳон андозаларига мосланган равон ва текис йўллар йўловчилар манзилини яқин қилмоқда.

* * *

Шоирлар ва рассомларнинг ўхшаш жиҳатлари кўп, бири сўзда инсон манзараларини, ҳолатларини, тақдирини акс эттирса, иккинчиси рангларг ёрдамида ана шу вазифани бажаради. Шукрки, ўзбек халқининг бундай фарзандлари кўп. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, рассом Э. Муҳаммадиев ва санъатшунослик профессори Н. Султоновлар шулар сирасига киради. Уларнинг Самарқанд давлат университетининг бош биноси фойесига ишлаган «Маърифат бўстони» деб номланган маҳобатли монументал ранг-тасвир асарини кўздан кечириб, узоқ ўйланиб қолдим.

Мазкур деворий суратлар мажмуаси 192 кв. метрни ташкил қилади. Ушбу монументал паннони халқимиз тарихи — унинг ўтмиши, бугуни ва келажаги ҳақида ҳикоя қилувчи улкан бир достон дейиш мумкин.

«Маърифат бўстони» асари беш қисмдан иборат:

«Мозийдан бир садо...» қисмида халқимизнинг энг қадим тарихидан тортиб Темурийлар замонигача бўлган давр ўзининг бадиий ифодасини топган. Асар марказида қурраи замин тасвирига ўйчан термулиб турган буюк Беруний акс этган. Суратдаги ал-Хоразмий, ал-Форобий, Ибн Синолар сиймоси асосий манзарада берилган.

Улуғбек даврига бағишланган суратлар марказида юлдузли осмон остида Ер курраси авайлаб силаб турган буюк мунажжим Мирзо Улуғбек, унинг ёнида ҳисоб-китоб билан машғул Али Қушчи. Шунингдек, темурийлар саройида элчиларни қабул қилиш, мадрасадаги устоз ва талабалар асарга фалсафий руҳ берса, Илҳом париси ва товуслар, чироқ кўтарган қизлар композицияга ҳаётийлик бағишлаган.

«Ғазал мулкининг султони» деб номланган қисмда нуроний Жомий, навқирон Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Камолиддин Беҳзод сиймолари ёрқин бўёқларда чизилган. Мушоира давраси, Зебуннисобегим суҳбати асарни янада бойитган. Айниқса, илоҳий ишқ билан ёниб қуйлаётган Боборахим Машраб, ошиқнинг ёнаётган юрагини тутган қиз, ишқий қўшиқдан маст париваш тасвирлари ҳар қандай кишини ларзага солади.

Ўзбек шоиралари Нодирабегим, Увайсий, Маҳзуна сиймолари ўзининг ёрқинлиги билан кишини мафтун қилади.

Асарнинг сўнгги «Мустақиллик — орзулар рўёби» қисмида Юртбошимиз теварагига бирлашган бугунги авлод, шахдам қадам ташлаб нурли келажак сари интилаётган замондошларимиз тасвирланган.

Деворга нақшланган, мўйқалам билан битилган яна бир достон мени ҳайратга солди. Ундаги мозий ўзининг улуғворлиги, салоҳияти билан аҚлимни лол этди. Инсониятнинг босиб ўтган узоқ йўлига боқиб, хаёлимда ажойиб манзаралар суратланди. Шарқнинг ақлу заковатига, сабру иродасига, фикру хаёлига, иймон-эътиқодига яна бир карра тан бердим.

Буюк Ипак йўли — қадимги тамаддуннинг беқиёс ёдгорликларидан ҳисобланади. Унинг бесарҳад саҳроларию одам оёғи етмаган тоғликлар янги ва янги дунёларни кашф этган аждодларимиз жасоратларини ўзида мужассам этган.

Бу қитъалараро — трансконтинентал йўлдан нафақат турли-туман моддий бойликлар, балки маънавий қадриятларнинг саралари ҳам юртдан юртга, миллатдан миллатга етказилган.

Буюк Ипак йўли, тарихчи олимларнинг гувоҳликларига кўра, Ўрта ер денгизидан Тинч океанигача бўлган улкан кенгликлардан инсоният тарихида илк бора Ғарб ва Шарқдан турли миллат ва элатларни бирлаштирди. Бу йўл нафақат карвонлар йўли, балки Евроосиё мамлакатлари тарихида таъсир даражаси бемисл бўлган кўп тармоқли ноёб ижтимоий-сиёсий, тарихий-маданий ҳодиса ҳамдир.

Самарқанд давлат чет тиллар институтининг тарихий Регистон майдонининг шундай биқинида, муборак Гўри Амир мақбарасининг рўпарасида жойлашган бош ўқув бинои деворларига қарийб 40 метр узунликда чизилган «Буюк Ипак йўли» асарининг муаллифлари самарқандлик рассомлар Аслиддин Исаев ва Хушбахт Салоҳиддиновлардир.

* * *

Самарқандда бугун ижтимоий масалаларни ҳал этишга эътибор катта. Вилоят ҳокимлигининг махсус ишчи гуруҳи бевосита жойларда бўлиб, вазифаларни белгилаб олмоқдалар. Тўпланиб қолган масалалар ечимини топмоқда, амалий ёрдам кўрсатилмоқда. Деярли барча қишлоқ ва маҳаллаларда қишлоқ шифокорлик даргоҳлари спорт мажмуалари қурилган. Ҳаммом, клуб, кутубхоналар ишлаб турибди. Маданият ва истироҳат боғларида болаларнинг шодон қийқириқлари эшитилиб қолди. Маданият уйлари ҳар қачонгидан гавжумлашди. Ҳар ойнинг охирги шанбаси «Мактаблар куни» деб эълон қилинди.

Ўқув-тарбиявий ишлар яхшиланмоқда. Бунда вилоят ҳокимлиги қошида тузилган халқ таълими бўйича вакиллар кенгашининг иши, айниқса, эътиборли. Оқсоқоллар, тажрибали мураббий-ўқитувчилардан тузилган бу Кенгаш вакиллари туманларда бўлишиб, мактаб муаммоларини ҳал этмоқдалар. Кенгашнинг Тойлоқ, Пахтачи, Қўшработ, Нуробод туманларида ўтказган юзма-юз очиқ мулоқотлари яхши самара берди. Шу боис эндиликда кўплаб иқтидорли ўқитувчи ва ўқувчилар бўй кўрсатиб қолдилар. Мактабларни янги ўқув йилига тайёрлаш, уларда ёрдамчи хўжаликлар ташкил этиш, муҳими, ўз ҳисоб рақамига эга бўлиш ҳисси кучайди. Ургутликлар қурган янги мактабларни кўриб, кўнглим тоғдек кўтарилди. Коллежлар таърифига сўз йўқ. Ўзбекистоннинг буюк келажаги, унинг салоҳиятли авлоди кўз олдимда намоён бўлди.

«Қарияларни қадрлаш йили» муносабати билан ҳам хайрли ишлар қилинмоқда. Ота-боболаримизга меҳр, уларнинг бугунги фаровон ҳаётимиздаги иштироки, меҳнатини қадрлаш бизнинг бурчимиз. Бу хайрли ишга эътибор фақат байрам ёки тадбирларда эмас, деярли ҳар куни бўлиши лозимлигига аҳамият берилмоқда. Ёрдамга муҳтож, якка-ёлғиз қарияларга алоҳида ғамхўрликлар, уларни ижтимоий ҳимоялаш чоралари кўрилаяпти. Дам олиши, саломатлигини тиклаши учун имкониятлар яратилаётир. Бу борада Самарқанд олий ўқув юртлари жамоалари ишлаб чиққан ташаббус вилоят ҳокимлиги томонидан маъқулланганлиги, айниқса, диққатга моликдир. СамДУ, Меъморчилик ва қурилиш, Чет тиллари, Қишлоқ хўжалиги, Савдо, Тиббиёт институтлари туманларни ўзаро бўлиб олиб, у ерда истиқомат қилаётган қарияларни билим даргоҳларига чорлаб, талабалар билан учрашувлар ўтказишмоқда.

Пайти келганда бир гапни айтсам: илгари Алишер Навоий ҳайкали кун чиқишга — университет тарафга қараб турарди. Бу сафар келганимда кун ботишга қараб, университетдан юз ўгириб турибди. Ҳайрон қолдим. Университет хиёбонини кесиб, автойўл ўтказилибди. Ҳайкал ҳам, хиёбон ҳам асл ҳолига қайтса, эл хурсанд бўлар эди.

Самарқандликлар азал-азалдан меҳнаткаш халқ дедим. Буни далалардаги меҳнат, эртанги насибани яратишга бўлган иштиёқ ҳам исботлаб турибди. Дастлабки ҳосил — пилла етиштириш бўйича шартномавий режа ортиғи билан бажарилди. Эл хирмонига икки минг тоннадан зиёд саноат хомашёси етказиб берилди. Деҳқонлар мўл дон етиштириш учун курашишмоқда. Ҳозир ўрим-йиғим поёнига етмоқда. Гектардан 70-80 центнердан ҳосил йиғиштириб олаётган пудратчилар ҳимматига қойил қолмасдан илож йўқ. Насиб этиб, ғалла мўл бўлди, хирмон донга тўлди. Самарқандликлар 300 минг тонналик хирмонни уйдилар.

Ота-боболарнинг
қабридир, Ватан,
Аждоду авлодинг
қадридир Ватан.
Ватандан азиз жой
йўқдир дунёда,
Тангри-таолонинг
амридир Ватан!

Барот БОЙҚОБИЛОВ,
Ўзбекистон халқ шоири.

УЧҚУДУҚНИНГ МАЗАЛИ ҚАЙМОҚЛАРИ

Учқудуқ шаҳридаги Шимолий кон бошқармасига қарашли корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар тури йигирмага етди. Исроил технологияси асосида тайёрланаётган "Снежок" сути, йогуртнинг ўнга яқин хили, сузма ва қатиқлар кончилар ошхоналарига, касалхона ва боғчаларга етказиб берилмоқда.

Айниқса, шафтоли, қулупнай, ўриқдан тайёрланган йогуртлар, ёнғоқ ва майизли сузмалар харидорларга манзур бўлмоқда. Завод бир суткада 10 тоннагача сутни қайта ишлаш қувватига эга. Корхона маҳсулоти эндиликда томдилик чорвадорлар ва Зарафшон шаҳри саноатчиларига ҳам етказиб берилади.

Ёркул УМАР,
ЎзА мухбири.

Оролбўйи болалари ҳақида ғамхўрлик

Оролбўйида яшовчи 800 нафар болалар ёзги таътилни мароқли ўтказиш учун Андижонга келишди. Улар "Шифокор", "Нурчи", "Уч соҳил"сингари сўлим ва ҳушманзара оромгоҳларда дам олиб, ўз саломатликларини тиклайдилар.

Ўз мухбиримиз.

Ташкилот ва корхоналар диққатига!

Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси пудрат савдоларини ташкил этиш (тендер) бўйича республика бошқармаси

НАМАНГАН ВИЛОЯТ ФИЛИАЛИ

қуйидаги иншоотга танлов савдолари (тендер) ўтказилишини эълон қилади.

Наманган вилоятидаги «Янги ариқ» каналини ПК 70 нуқтадан ПК 120 нуқтагача қайта тиклаш. Қурилиш муддати — 365 кун.

Буюртмачи: Наманган шаҳри, Ибрат кўчаси, 33-уйда жойлашган Наманган вилоят жамоаларо кенгаши.

Қурилиш ишлари давлат инвестиция маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади. Ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга: етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятлар ва материаллар заҳирасига, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуққа эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва тендер ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — пудрат савдоларини ташкил этиш (тендерлар) бўйича республика бошқармасининг Наманган вилоят филиалига қуйидаги манзилга:

Наманган шаҳри, А.Навоий кўчаси, 36-уй (Матбуот уйи, 4-қават), иш кунлари соат 10.00 дан 17.00 гача мурожаат қилиш мумкин. Телефон/факс: (8-36922) 6-14-50.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчисига тақдим этиш охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.

Таклифлар очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Наманган ш., А.Навоий к., 36-уй (Матбуот уйи, 3-қават).

6005/1393

ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА ВА ҚУРИЛИШ ҚЎМИТАСИ ПУДРАТ САВДОЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ (ТЕНДЕР) БЎЙИЧА ХЎЖАЛИК ҲИСОБИДАГИ РЕСПУБЛИКА БОШҚАРМАСИ

НАМАНГАН ВИЛОЯТ ФИЛИАЛИ

қуйидаги ўқув жиҳозларни харид қилиб олишга танлов савдоси ўтказилишини эълон қилади.

№	ЖИҲОЗЛАР НОМИ	МИКДОРИ
1	Ўқувчилар партаси А	950 дона
2	Ўқувчилар партаси В	950 дона
3	Ўқувчилар партаси С	1670 дона
4	Ўқитувчилар столи	240 дона
5	Ўқитувчилар стули	3010 дона
6	Синф доскалари	327 дона
7	Болалар стули ва столи	2540 дона

Харид қилинадиган жиҳозлар бўйича қўшимча маълумотлар тендер ҳужжатларида акс эттирилган.

Буюртмачи: Наманган вилоят ҳокимлигининг халқ таълими бошқармаси.

Харид қилиш бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар барча ишлаб чиқарувчи, таъминотчи ташкилотлар танловда қатнашишга таклиф қилинади.

Таъминловчи ва ишлаб чиқарувчи ташкилотлар етарли молиявий имкониятларга ва материаллар заҳирасига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуққа эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва тендер ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — пудрат савдоларини ташкил этиш (тендерлар) бўйича республика бошқармасининг Наманган вилоят филиалига қуйидаги манзилга: Наманган шаҳри, А.Навоий кўчаси, 36-уй (Матбуот уйи, 4-қават), иш кунлари соат 10.00 дан 17.00 гача мурожаат қилиш мумкин. Телефон/факс: (8-36922) 6-14-50.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчисига тақдим этиш охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.

Таклифлар очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Наманган шаҳри, А.Навоий кўчаси, 36-уй (Матбуот уйи, 3-қават).

6009/1393

QUICK STOP
GROUP OF COS.

NAMBUM «QUICK STOP PAPER MILL» «НАМБУМ» ЛТД .ҚК

Ўрамли, кенглиги 84 см. ва 42 см. бўлган юқори сифатли ксерокс ва офсет қоғози ишлаб чиқаради ва сотади.
Ҳар бир боғламда 500 варақдан бўлган А-3, А-4 ўлчамли, зичлиги 80 гр./м² қоғозлар:
А-3 — 8400 сўм, А-4 — 4200 сўм.
Шунингдек, ўқувчилар дафтарларини ишлаб чиқаради ва 1 донасини 45 сўмдан сотади.
Маҳсулотларимизни харид қилинг, Ўзбекистон ишлаб чиқарувчисини қўллаб-қувватланг!

Манзиллар:
Наманган шаҳри, «Қурувчилар» кўчаси, 50-уй.
Телефон: (369 22) 2-14-83, факс: (369 22) 2-69-35.
Тошкент шаҳри, Маҳатма Ганди кўчаси, 44-уй.
Телефон: 132-02-22, факс: 136-30-37.
Омбор манзили:
Тошкент шаҳри, «Проектная» кўчаси, 44-уй.
Телефон: 79-74-04, факс: 79-79-91.

5982/1362

«MAKSIMA» мебель салони

Италия, Испания, Польшадан келтирилган мебеллар, ёритгичлар, қандиллар, расмлар ва кўрпа-ёстиқ анжомларини таклиф этади.

«MAKSIMA» АРТ-дизайн студияси

хонадонингиз, ҳовлингиз, ландшафт дизайнини якка тартибда ишлаб беради.
Каталог бўйича буюртмангиз етказиб берилади.

Ўзбекистон бўйича етказиб ва йиғиб бериш — БЕПУЛ.

Тушликсиз ва дам олиш кунисиз ишлаймиз.

Манзилимиз:
Кунаев (Саперная) кўчаси, 46-уй.
Телефонлар: 111-14-44,
152-75-94.
E-mail: maxima@online.ru



5787/972

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

(Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2002 йил 16 июндан 30 июнгача бўлган маълумот):

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. «Ўзбекистон Республикаси давлат архивлари ўқув хоналарида фойдаланувчиларнинг ишлаш қоидаларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида» Ўзбошархивнинг 2002 йил 22 майдаги 11-сон буйруғи.

2002 йил 17 июнда 1053-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2002 йил 27 июндан кучга киради).

2. «Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида хўжалик юритувчи субъектлар томонидан тузиладиган экспорт-импорт контрактлари (шартномалар, битимлар)ни рўйхатга олиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитасининг 2002 йил 20 июндаги ЭГ-01/12-2548, 68, 02/19-16-сон қарори.

2002 йил 20 июнда 988-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2002 йил 30 июндан кучга киради).

3. «Жисмоний шахслар томонидан импорт қилинадиган товарларни ҳисобга олиш ва сотиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2002 йил 14 июндаги 67, 2002-59-сон қарори.

2002 йил 20 июнда 1150-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2002 йил 30 июндан кучга киради).

4. ««Кредит уюшмаси устав фондининг энг кам миқдори, рўйхатга олганлик учун йиғим миқдори, кредит уюшмаси ижро этувчи органи раҳбарининг малакасига доир талаблар, рўйхатга олиш шакллари ва тартиби ҳамда кредит уюшмаси фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун лицензия бериш ва кредит уюшмаси аъзоси томонидан пай бадалларини тўлаш сертификатининг шаклини тасдиқлаш тўғрисида» низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2002 йил 25 майдаги 14/23-сон қарори.

2002 йил 21 июнда 1151-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2002 йил 1 июлдан кучга киради).

5. «Корхона ва ташкилотларнинг фойдаланилган ва бузилган вексель бланкларини йўқ қилиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Молия вазирлигининг 2002 йил 25 майдаги 219-В, 65-сон қарори.

2002 йил 21 июнда 1152-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2002 йил 1 июлдан кучга киради).

6. «Икки ва ундан ортиқ йил давомида сотилмаган корхоналар акция, улуш (пай)ларини ва яхлит объектларни инвесторларга объект нархига инвестиция мажбуриятларини киритиш шарти билан сотиш тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг 2002 йил 13 майдаги ИУ-01/52-сон қарори.

2002 йил 21 июнда 1153-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2002 йил 1 июлдан кучга киради).

7. Олий ўқув юртларида тест ўтказиш тартиби тўғрисида йўриқнома. Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясининг 2002 йил 14 июндаги 2-сон баёни билан тасдиқланган.

2002 йил 25 июнда 1154-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2002 йил 5 июлдан кучга киради).

8. «Юридик шахсларга солиқ, божхона ва мажбурий тўловларни бюджетга тўлаш бўйича берилган имтиёзларни расмийлаштириш ва бухгалтерлик ҳисобида акс эттириш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитасининг 2002 йил 19 апрелдаги 52, 2002-21, 02/8-6-сон қарори.

2002 йил 25 июнда 1155-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2002 йил 5 июлдан кучга киради).

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. 1997 йилда тест ўтказиш тартиби. ЎзР ВМ ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан тасдиқланган (1997 йил 13 июнда 350-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган).

Адлия вазирининг 2002 йил 25 июндаги 98-мҳ-сон буйруғи билан чиқарилди.

Мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжат янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

III. Давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим эмас:

1. «Электр ускуналарини синаш қоидалари ва меъёрларини тасдиқлаш тўғрисида» «Ўздавэнергоназорат» агентлигининг буйруғи.

Адлия вазирлиги билан келишилган ҳолда ушбу ҳужжат техник ҳужжат деб топилди, шунинг учун у белгиланган тартибда ушбу идора томонидан тасдиқланиб, кучга киритилиши мумкин. Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлмаган меъёрий ҳужжатларда амалдаги қонун ҳужжатларига зид қоидалар бўлмаслиги лозим.

IV. Давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилди:

1. «Гиёхвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни нотиббий истеъмол қилувчи шахсларни, наркомания ёки токсикомания билан касалланган беморларни тиббий кўрикдан, текширувдан ўтказиш, ҳисобга олиш ва кузатиб бориш, уларга наркологик ёрдам кўрсатиш тартиби тўғрисида йўриқномани тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ички ишлар вазирлигининг қарори.

2. «Ўзбекистон Республикаси саноат объекти хавфсизлигини декларация қилиш тўғрисида вақтинчалик йўриқномани тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Фавқуддода вазиятлар вазирлигининг буйруғи.

Тақдим этилган ҳужжатларда амалдаги қонунчиликка зид қоидалар мавжуд ва улар меъёрий ҳужжатларга қўйилган талабларга жавоб бермайди. Давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилган меъёрий ҳужжатлар Адлия вазирлигининг хулосалари ҳисобга олинган ҳолда қайта ишланган тақдирда давлат рўйхатидан ўтказиш учун такроран тақдим этилиши мумкин.

V. Ҳуқуқий экспертизадан ўтказилмоқда:

1. «Ўзбекистон Республикаси банкларида пул муомаласига доир ишларни ташкил этиш бўйича йўриқномани тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қарори.

2. «Корпоратив облигацияларни чиқариш, рўйхатга олиш ва қоплаш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказининг буйруғи.

3. «Акциядорлик жамиятларининг акцияларини чиқариш, давлат рўйхатидан ўтказиш ва чиқарилганлигини бекор қилиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказининг буйруғи.

4. «Энергетика ишлаб чиқариш корхоналарида ходимлар билан ишлашни ташкил қилиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» «Ўздавэнергоназорат» агентлигининг буйруғи.

5. «Электр қозонлар ва бошқа электр қизитиш ускуналарининг қўлланишини кўлишиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» «Ўздавэнергоназорат» агентлигининг буйруғи.

6. «Театр-концерт тадбирларини ўтказишда фонограммадан фойдаланиш тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг қарори.

7. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари Вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш бўйича йўриқнома. ЎзР ИИВ томонидан тасдиқланган.

8. «Ўзбекистон Республикасида товар белгисини умум эътироф этилган деб тан олиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси директорининг буйруғи.

9. «Интеграл микросхемалар топологияларини рўйхатдан ўтказиш учун талабномаларни тузиш ва топшириш қоидалари ва давлат экспертизасини ўтказиш тартибини тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси директорининг буйруғи.

10. «Товар келиб чиққан жой номини рўйхатдан ўтказиш ва товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини бериш учун талабномани тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси директорининг буйруғи.

11. «Товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгисини рўйхатдан ўтказиш учун талабномани тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси директорининг буйруғи.

12. «Заҳарли дориларни сақлаш, бериш, сотиш ва ҳисобга олиш шартлари тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буйруғи.

13. «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хизмат сафарлари тўғрисида Йўриқномани тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг қарори.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 30 майдаги ПФ-3080-сон Фармонига мувофиқ божхона расмийлаштируви учун йиғимдан ташқари 2006 йил 1 январгача божхона тўловларидан озод қилинган товарлар рўйхати. ЎзР Давлат божхона қўмитаси томонидан тақдим этилган.

15. «Вояга етмаган болалари бўлган оилаларга нафақа тўлашни молиялаштириш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг қарори.

16. «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам тўловларини амалга ошириш учун бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларни ажратиш ҳамда уларнинг мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг буйруғи.

Маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Идоравий меъёрий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси томонидан тайёрланди.
Саволлар ва таклифлар учун телефонлар: 133-38-67, 132-00-28.

Мардлар қўриқлайди Ватанни



Биламизки, ҳарбий хизматни қатъий тартиб-интизомсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бу — табиий, албатта. Майор Ш. Нормуродов командирлик қилаётган ҳарбий қисмда шундай муҳит устувор. Шу туфайли ҳам бу ерда низомга зид ҳаракатларга йўл қўйилмайди. Шахсий таркиб ҳар гал ўқув мавсумининг якуний синов машғулотларида юқори натижаларни қўлга киритишга эришиб келмоқда. Аскарлар, шартнома бўйича хизматдагилар ва офицерлар орасидаги ўзаро ҳурмат-эътибор, кўмакдошлик кўнгилдагидек. Қисм ҳудуди-ю, казарма — ҳамма жойда саранжом-саришталик.

ЧЕГАРАЧИЛАР ДАРҒАСИ

Инсон ўз касбини дилдан севса, эъзозласа, тажрибали мутахассис бўлиб етишиш учун изланса, бу йўлдаги қийинчиликлардан чекинмасагина муваффақиятларга эриша олади. Шуҳратда шундай хислатлар мужассам. У офицерлик касбини ёшлигидан севгани боис ҳам дастлаб ҳарбий касбларга йўналтирувчи махсус мактабни, сўнгра эса олий умумқўшин қўмондонлик билим юртини тугатди.

Лейтенантлик погонини таққач офицерлик фаолиятини чегара отряди командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари лавозимидан бошлади. Орадан икки йил ўтиб, уни застава бошлиғи вазифасига тайинлашди. Сўнгра у чегара бошқармасида бўлим катта офицери, чегара тумани штаби бошлиғи лавозимларида хизмат қилди. 2001 йил бошидан эътиборан отряд командири.

Термиз шаҳрида таваллуд топган майор Шуҳрат Нормуродов қай бир лавозимда хизмат қилмасин, фидойилик ва ишбилармонлик намуналарини кўрсатди.

Ҳарбийлар ишида фидойилик ҳамда интилувчанликдан ташқари чидамли, бардошли бўлиш ҳам биринчи навбатда туради. Сабаби — умрини ҳарбийликка бағишлаган киши то нафақага чиққунигача жўшқин ҳаёт кечиради. Кимки оромини ўйлар экан, ундай одамдан талаб даражадаги командир чиқиши амри маҳол.

Шуҳратга бу ҳақиқатни отаси — Муҳаммаджон ака (узоқ йиллар ҳарбий касбни эъзозлаган, ҳозирда истеъфодаги подполковник) ҳам, онаси — Хурсандой опа ҳам кўп бора айтишган, фарзандини олдинда кутаётган машаққат ва қийинчиликларга маънавий-руҳий жиҳатдан тайёрлашган.

— Гоҳида шундай бўлади-ки, умр йўлдошим болаларни фақат ухлаб ётганида кўради, — дейди уй бекаси Гулойим. — Сабаби дадалари хизматдан келгунигача фарзандларимиз ухлаб қолишади, эрталаб хизматга кетганида эса улар ҳали ухлаб ётишади. Бироқ бундан мен ҳам, болаларимиз ҳам хафа эмасмиз. Ватан ҳимоясига умрини бағишлаган киши борки, барчасининг турмуш тарзи шундай. Биз буни тўғри тушунамиз. Болаларимиз мабодо «дадамиз нега уйда кам бўладилар?», деб бир оз хархаша қиладиган бўлишса, мен ётиғи билан тушунтираман, касби шуни талаб этишини айтаман.

— Қисмимизда жанговар, ижтимоий-сиёсий, тактик ва бошқа тайёргарликлар билан бирга шахсий таркибнинг маданий ҳордиқ чиқаришларига ҳам катта эътибор қаратилмоқда, — дейди командирнинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари майор Абдулҳамид Қодиров. — Ёзувчи ва шоирлар, атоқли кишилар билан тез-тез учрашувлар ташкил этилади. Хушовоз хонандалар, созандаю раққосалар, сўз усталари иштирокида концерт дастурлари уюштирилади. Дам олиш кунлари футбол, волейбол, шахматшашка, турникда тортилиш, югуриш ва бошқа спорт турлари бўйича мусобақалар ўтказилади. Аскарлар тарихий қадамжоларга саёҳат қилишади. Буларнинг барчаси янгидан-янги муваффақиятларга эришишимизда ўзига хос омил бўлмоқда.

Дарҳақиқат, катта жамоанинг бошлиғи, қўплаб сардорларнинг сардори майор Шуҳрат Нормуродовнинг хизмат фаолияти, бу ерда олиб борилаётган ободончилик ва қурилиш ишлари билан танишиб, унинг том маънода ўз ўрнидаги командир эканлигига ишонч ҳосил қилдик. Қани энди ҳар бир жабҳада, ҳар бир соҳада ана шундай сардорлар даргалик қилса, деган фикр беихтиёр хаёлимиздан ўтди.

Худойназар ЖУМАНАЗАРОВ,
подполковник.



Республикамизнинг олий ўқув юртларида бу йил бакалаврлар тайёрлаш бўйича умумий қабул сони 51100 нафар қилиб белгиланди. Уларнинг 19900 нафари давлат гранти ва 31200 нафари тўлов-контракт асосида таҳсил олади. Магистрлар тайёрлаш бўйича умумий қабул сони 4500 нафар, шу жумладан 1400 нафари давлат гранти ва 3100 нафари тўлов-контракт асосида ўқитилади.

Абитуриентларнинг ҳужжатларини қабул қилиш жараёни қандай бораётганлиги ҳақида Тошкент Автомобиль-йўллар институтига борганимизда ҳужжат топшириш авжида эканлигининг гувоҳи бўлдик.

— Автотранспорт факультетининг транспорт воситаларини ишлатиш ва таъмирлаш йўналишига контракт асосида ўқитилади.

Абитуриент- 2002

Мамлакатимизда ёшларнинг ҳаяжонга тўла дамлари бошланди. Жонажон коллеж, лицей ва мактаблар билан хайрлашиб, олий ўқув юртларига ҳужжат топширишга келган йигит-қизлар учун ҳайъат қабул комиссиялари барча шароитларни яратишга ҳаракат қилаяпти.

СИНОВГА ҲОЗИРЛИК

ҳужжат топширдим, — дейди Даврон Худойқулов. — Чунки коллежда шу мутахассислик бўйича таълим олдим. Билимга бўлган қизиқиш мени шу даргоҳга бошлади.

Институтда 4 факультет бўлиб, 12 йўналиш бўйича мутахассислар тайёрланади.

— «Буюк Ипак йўли»ни қайтадан қуриш учун давлатлараро келишилган «ТРАСЕКА» дастури институтимизда технологик машиналар ва жиҳозлар ҳамда транспорт иншоотларидан фойдаланиш йўналишларини очишга туртки бўлди, — дейди қабул ҳайъатининг масъул котиби Баҳромжон Комилжонов. — Чунки шу йўналишларда билим олган ёшлар йўл қурилиши ва унга хизмат кўрсатадиган мутахассис бўлади. Институтда қабулга оид барча ташкилий ишлар: ҳужжатларни тўлдириш бўйича намунавий нусхалар кўринарли жойларга осиб қўйилган, консультациялар ўтказиш жадвал асосида ҳозирданоқ бошлаб юборилган. Узоқдан келган абитуриентлар ва уларнинг ота-оналари учун дам олиш жойлари ва ётоқхоналар намунали хизмат қилаяпти.

Ўтган йили институтга бир ўринга 6,8 абитуриент тўғри келган. Ёшларнинг иштиёқ билан ҳужжат топшираётганлигини кўриб, бу йилги кўрсаткич ўтган йилдагидан кўп бўлса бўладики, кам бўлмаслигига амин бўласиз.

Юртимиз келажаги — ёшларимизга синов олдидан фақат омад тилаймиз.

Муфтилла ЮСУПОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«ХАЛҚ СЎЗИ»
«НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Аббосхон УСМОНОВ

Тахрир ҳайъати:
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:
Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34; 133-78-92
Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65
Маънавият ва маърифат — 136-35-60;
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар — 136-29-89, 133-07-48;
Фан, соғлиқни сақлаш ва халқ таълими — 132-12-08;
Янгиликлар ва халқаро ҳаёт — 132-11-15;
Котибият — 133-10-28;
Эълонлар — 136-09-25.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 677, 28078 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва З. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — Ю. ҲАМИДОВ.
Навбатчи муҳаррир — Г. ЙЎЛДОШЕВА.
Навбатчи — Ҳ. КАРИМОВ.
Мусаҳҳиҳ — О. АБДУАЗИМОВ.

• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
[t] — тижорат материали.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 21.00.
1 2 3 4 5 6

КАНН — КУЧЛИЛАР КУЧЛИСИ

Жанубий Корея ва Япония майдонларида ўтказилган жаҳон чемпионати якунлангач, журналистлар биринчиликнинг энг кучли футболчисини аниқлади.

Сўровнома натижасига кўра, Германия терма жамоаси дарвозабони Оливер Канн "Олтин тўп" совринига сазовор бўлди. Бутун чемпионат давомида бор-йўғи учта тўп ўтказиб юборган машҳур дарвозабон 147 та овоз тўплади.

Финал ўйинида Оливер Канн дарвозасига бир жуфт гол киритиб, тўпуарлар баҳсида ғолиб чиққан бразилиялик Рональдо эса дарвозабондан 21 очко ортда қолди. Жанубий Корея футболчиси Хон Мюн Бо кутилмаганда чемпионатнинг учинчи энг кучли ўйинчиси деб топилди. Осиёлик чарм тўп устаси 108 овоз олди.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ (ЎзА).

ПОЙТАХТЛИКЛАР ҒОЛИБ

Бухорода "Ёшлик" кубоги учун 12 ёшли болалар ўртасида футбол бўйича республика мусобақасининг финал босқичи бўлиб ўтди. Унда 9 жамоа уч гуруҳ таркибида ўзаро куч синашди.

Финал учрашувида майдон эгалари Тошкент шаҳри жамоасига 1|4 ҳисобида ўйинни бой берди. Шу тариқа "Ёшлик" кубоги пойтахтга кетди.

Илҳом САФАР,
ЎзА мухбири.

САВОЛ БИЗДАН...

Миллий валютаси така бўлган давлат қайси?

136-35-60

Кечаги сонда берилган саволнинг жавоби:
Бразилия.
Бу ҳақда Тошкентдан Ш. Йўлдошбоева, З. Зайнуддинова ҳамда янгийўллик М. Эрназарова хабар бердилар.

Қилмиш-қидирмиш

15000

Бир инсоннинг умри шу миқдордаги пулга тенгмиди?

Ўз лафзига амал қилиш инсоннинг энг улуғ фазилатидир. Ҳозиргача бировнинг лафзига қараб баҳо бериш удуми сақланиб қолгани шундан. Аммо бугунги кунда айримлар лафзнинг қадрини тушираётганини сезяпсизми? Биласизки, лафз бирон-бир ҳужжатларсиз, инсоннинг ўзаро ички тугёнлари — ишонч орқали амалга оширилади. Унинг қадри баландлиги ҳам шунда...

Шу йилнинг бошлари эди. Яъни 2 февраль. Дилмурод Тожибоев ўзининг сиёҳ рангли «Дамас» автомашинасини бошқариб келаётган эди. Шунда йўловчи Валижон Акбаров унга қўл кўтариб, «Дамас»ни тўхтатишни сўрайди:

— У ёқ-бу ёққа борадиган ишим бор. Хўп десангиз рози қиламан. Кечқурун ўн беш минг сўм хизмат ҳақи бераман.

Дилмурод бироз ўйланиб турди-да, мижознинг таклифига розилик билдирди. Чунки вақт ҳам пешиндан оққан. Уч-тўрт соатда ўн беш минг ишласа ёмонми?

Шу тариқа ўзаро келишувни бажаришга киришдилар. Валижон қаёқни айтса, Дилмурод рулни ўша ёққа бураверди. Бу орада ҳар иккиси эски қадрдонлардек бўлиб кетишди. Кўрганбилганларни айтиб, бир-бирларини зериктирмасдилар. Ҳазил-мутойиба, суҳбат авжга чиққанидан чиқди. Бир ёкда иш ҳам битяпти. Ёмонми?

Қош қорайиб, вақт ҳам анчага бориб қолганда В.Акбаровнинг нияти бузилади. Келишилган йўл ҳақини бекордан-бекорга бериши лозим эмасдек туюлаверади. Шундан кейин Д.Тожибоевга энди «Дамас»ни Сирғали тумани томон ҳайдашни айтади. Шум ниятдан бехабар ҳайдовчи йўлни ўшаёқ томон олади.

Соат кечқурун 22 лар чамаси. Эски Сирғали даҳаси, Дарёбўйи, 3-тор кўчасида жойлашган «Қурилиш материаллари ва конструкциялари» заводи ёнида икки киши жанжаллашиб турарди. Улар ҳализамон қадрдонлардек кўринган Валижон ва Дилмурод эди.

— Қаёққа, кимингга борсанг, боравер. Лекин бир тийин ололмайсан, билдингми?

В.Акбаровнинг тажовузкорона бу ахди ярим кундан зиёд хизмат қилиб қўйган, ёнилғи сарфлаган Д.Тожибоевга малол келди:

— Одамда инсоф бўлиши керак-да. Мен сиздан хизмат ҳақимни сўраётибман холос, ока!

Инсоф, диёнат ҳақида эшитиш мавриди эмасди. Қайтанга ҳайдовчининг ўжар, «гапга тушунмаслиги»дан Акбаров баттар ғазабланади. Ҳали кўз остига олиб қўйгани — машина ичидаги ошхона пичоғини олади-ю, Тожибоевнинг бўйин қисмига суқади. Жон барибир ширин-да. Худди шу учун ҳам жабрдийда ўз ҳаётини сақлаб қолиш мақсадида қаттиқ қаршилик кўрсатади. Жон ҳолатда жиноятчининг қўлидан пичоқни тортиб олади.

Ўн беш минг сўмни, деб разилликка қўл урган Акбаровнинг кўзи қонга тўлганди. Шундан-да у ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, энди «отвёрка» билан қуролланади. Бўйин қисмидан жароҳат олган ҳайдовчининг ўзи билан ўзи овора эканлигини билгани ҳолда яна унинг елка ва бош қисмига уриб, оғир шикаст етказади. Лекин жабрланувчи ўзида куч топиб қаршилик кўрсатаверади. Натижада Акбаров ўзининг жиноий ҳаракатларини охирига етказа олмайди. Оғир тан жароҳати оқибатида жабрланувчининг йиқилиб тушганини кўриб, «Дамас»ни минади-да, жиноят содир этилган жойдан ғойиб бўлади. Бу чоғ унинг кўнглида «эгасиз» қолган машинани талон-тарож қилиш мақсади бўлганлиги тергов чоғида исботланади.

Жабрланувчи Д.Тожибоев касалхонага келтирилганда жароҳати анча оғир эди. Шифокорларнинг саъйи-ҳаракатлари туфайли у омон қолди.

Суд-тиббиёт экспертизасининг хулосаси, жабрланувчи-ю, гувоҳларнинг юзлаштириш баённомаларга кўра, В.Акбаров Жиноят кодексининг қатор моддалари билан жиноятчи деб топилди. Жиноий ишлар бўйича Тошкент шаҳар суди судьяси А. Агзамхўжаев раислигида ўтган суднинг ҳукмига кўра у узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилинди. Жазони қаттиқ тартибли колонияда ўтайдиган бўлди.

Мирзо ҲАМДАМОВ,
Шайҳонтоҳур туман прокурорининг ўринбосари, адлия маслаҳатчиси.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

2002-2003 ўқув йили учун қуйидаги мутахассисликлар бўйича МАГИСТРАТУРАГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

саноат дизайни; менежмент (соҳалар бўйича); инновацион менежмент; маркетингни бошқариш; молиявий менежмент; рудали ва норуда конлар геологияси қидирув ишлари (металлогения); фойдали қазилмаларни разведка қилиш ва қидириш ишларининг геофизик усуллари; нефть ва газ конлари геологияси разведкаси ва қидирув ишлари; нефть ва газ дала геофизикаси; гидрогеология ва муҳандислик геологияси; геология-разведка ишларининг техникаси ва технологияси; иссиқлик электр станциялари; саноат иссиқлик энергетикаси; электр станциялари; электр энергетика тизимлари ва комплекслари; электр таъминоти (тармоқлар бўйича); гидроэнергетик қурилмалардан фойдаланиш; қора металлар металлургияси; рангли ва ноёб металлар металлургияси; машинасозликда материалшунослик; машинасозлик технологияси (тармоқлар бўйича); механик ва физик-техникавий ишлов бериш жараёнлари, дастгоҳлар ва асбоблар; автоматлаштирилган ва автоматик дастгоҳлар тизимлари, комплекслари; қуймакорлик ишлаб чиқариш технологияси ва машиналари; қишлоқ хўжалиги машиналари ва жиҳозлари; совутиш, криоген техникаси ва мўътадиллаш тизимлари, машиналари ва агрегатлари; иссиқлик двигателлари; тракторлар; электр механикаси (тармоқлар бўйича); электр изоляцияси ва кабель техникаси; саноат қурилмалари ва технологик комплекслар электр ўоритмалари ва уларни автоматлаштириш; кончилик машиналари ва жиҳозлари; метрология, стандартлаштириш ва сифатни бошқариш (соҳалар бўйича); саноат электроникаси; физик электроника; электрон техника материаллари ва компонентлари физикаси ва технологияси; ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш ва акс эттириш электрон асбоблари ва қурилмалари; техник тизимларда бошқарув; технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш (тармоқлар бўйича); ҳисоблаш машиналари, комплекслар, тизимлар ва тармоқлар; бошқариш ва ахборотни қайта ишлашнинг автоматлаштирилган тизимлари; ҳисоблаш машиналари, комплекслари, тизимлари ва тармоқларини математик ва дастурий таъминлаш; ҳисоблаш техникаси ва бошқарув тизимларининг элементлари ва қурилмалари; интеграл радиоэлектрон қурилмалар; кимёвий ҳимоя воситалари технологияси; нефть ва газни қайта ишлаш ва унинг кимёвий технологияси; пайвандлаб ишлаш технологияси ва жиҳозлари; маркшейдерлик; фойдали қазилмаларни ер ости усулида ишлаш; фойдали қазилмаларни очиқ усулда ишлаш; фойдали қазилмаларни бойитиш; нефть ва газ конларини ишга туширириш ва улардан фойдаланиш; қудук бурғилаш; газ-нефть қувурлари, база ва омборларини қуриш ва улардан фойдаланиш; газ-нефть ва нефть-кимёвий жиҳозлар; атроф-муҳитни ҳимоя қилиш ва табиий манбалардан самарали фойдаланиш; иссиқлик техникасининг назарий асослари; электр станциялари, тармоқлари, электр энергетикаси тизимлари ва уларни бошқариш; босим билан ишлов бериш машиналари ва жараёнлари; назарий электр техникаси; тиббиёт асбоблари ва ўлчов тизимлари; робот-техник тизим ва комплексларни бошқариш; ахборотлар хавфсизлиги; кимёвий технология жараёнлари ва ускуналари.

Магистратурага кирувчилар — бакалавр даражасига эга бўлганлар, дипломли мутахассислар қабул комиссиясига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

- *магистратура мутахассислиги (ихтисослиги) кўрсатилган ҳолда ректор номига ариза;*
- *олий маълумот тўғрисидаги ҳужжатнинг асл нусхаси ҳамда унинг иловаси;*
- *3х4 ҳажмдаги 6 дона фотосурат;*
- *№ 086 шаклдаги тиббий маълумотнома.*

Ҳужжатлар жорий йилнинг 1 июлидан 30 июлигача қабул қилинади.

Магистратурага ўқишга кирувчилар қуйидаги фанлардан ёзма равишда кириш синовлари топширадилар:
магистратура мутахассислигига (ихтисослиги) мувофиқ келувчи таълим йўналишининг махсус фанлари бўйича;
демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти асослари бўйича.

Кириш синовлари 2002 йил 3 августдан 10 августгача ўтказилади.

Манзилимиз: 700095, Тошкент шаҳри, Талабалар шаҳарчаси, Университет кўчаси, 2-уй, Тошкент Давлат техника университети.

5995/1360

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳайъати ва жамоаси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги
Иброҳим ҲАМРОБОЕВнинг
вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва қариндошларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Республика Инкассация бирлашмаси маъмурияти ва жамоаси Бирлашманинг Сурхондарё вилоят инкассация бошқармаси бошлиғи ўринбосари Бобомурот Абдуназаровга онаси
Ўнгал АБДУНАЗАРОВАнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Саноатда ва кончиликда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш агентлиги жамоаси техника бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Алишер Ҳамробоевга отаси
Иброҳим ҲАМРОБОЕВнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўзқишлоқхўжаликкимё» давлат акциядорлик компанияси жамоаси Қорақалпоғистон Республикаси чигирткага қарши курашиш экспедициясининг бошлиғи Ҳамдилла Сейтимбетовга отаси
Қанназар СЕЙТИМБЕТОВнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ҳ.М.Абдуллаев номидаги Геология ва геофизика институти жамоаси академик
Иброҳим ҲАМРОБОЕВнинг
вафот этгани муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларга чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент педиатрия тиббиёт институти ректорати ва институт жамоаси юқумли касалликлар кафедрасининг профессори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби
Вали МАДЖИДОВнинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбек Миллий Академик драма театр маъмурияти театрнинг фахрий аъзоси ва ҳомийси Саидолим Жабборовга падари бузруквори
Саидгаффор ЖАББОРОВнинг
вафоти муносабати билан чуқур қайғу изҳор этади ва ҳамдардлик билдиради.